



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Фарғона вилояти статистика
бошқармаси бошлиғи
С.Шамшидинов
“ 4 ” 09 2021 йил

Фарғона вилоят статистика бошқармаси «Ахборот хизмати»

НИЗОМИ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилояти статистика бошқармаси Ахборот хизматининг (кейинги ўринларда хизмат деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ахборот хизмати Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилояти статистика бошқармаси (кейинги ўринларда Фарғона вилояти статистика бошқармаси деб аталади) бошқарманинг мустақил таркибий бўлинмаси ҳисобланади ҳамда бевосита унинг раҳбарига бўйсунди.

3. Хизмат ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари жумладан, “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, “Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилояти статистика бошқармаси тўғрисида”ги мазкур Низомга, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Хизмат ўз фаолиятини Фарғона вилояти статистика бошқармаси таркибий бўлинмалари, Фарғона вилоятининг туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари (кейинги ўринларда ҳудудий статистика органлари деб аталади) шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Фарғона вилояти ахборот ва оммавий

коммуникациялар агентлиги (кейинги ўринларда - Агентлик) билан ўзаро яқин ҳамкорликда амалга оширади.

II. Хизматнинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар хизматнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Фарғона вилояти статистика бошқармаси раҳбарияти томонидан замонавий талабларга мувофиқ белгиланадиган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;

ахборот соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш борасида Хизмат зиммасига юклатилган вазифаларни Фарғона вилояти хокимлигининг Матбуот хизмати, Ўзбекистон Республикаси Администрацияси ҳузуридаги Фарғона вилояти ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари билан самарали ва амалий ҳамкорликда таъминлаш;

Фарғона вилояти статистика бошқармаси фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтларида, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан, матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатурлар ташкил этиш йули билан ахборот билан аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш;

Фарғона вилояти статистика бошқармаси мамлакатимизнинг ҳамда вилоятимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиёти жараёни ҳақида ахборот бериш ва ёритиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;